

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ,
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
РЕСПУБЛИКА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “УЛУҒБЕК” ЖАМҒАРМАСИ,
“МАЪРИФАТ” ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини
ёритиш бўйича “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида
мақолалар танловини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида” ПҚ-4926-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш, юртимизни дунёга тараннум этиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқларни юртдошларимиз орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга дахлдор этиб тарбиялаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ёшлар, талабалар, тарғиботчилар, илмий тадқиқотчилар (магистрант, докторант ва бошқа), олимлар, профессор-ўқитувчилар ва иштирок этиш истагини билдирган барча муаллифлар ўртасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги бўйича “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида мақолалар танлови (кейинги ўринларда – Танлов деб юритилади) ўтказилсин.

2. “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида мақалолар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида мақалолар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (М.Куроноф)га:

танловни юқори савияда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

Танлов ташкилотчилари вакилларида иборат штаб ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда танловга келиб тушган мақолаларни қабул қилиш ва Низом асосида саралаш;

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази (З.Тўракулов) “Маърифат” тарғиботчилар жамияти (Б.Хусанов) билан биргаликда **икки кун** муддатда танловни кенг ёритиш мақсадида уни тарғиб қилиш бўйича материаллар (аудио-видео ролик, слайд-тақдимот ва бошқалар) тайёрлаб, ўрнатилган тартибда ёритиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти биргаликда танлов ҳақидаги эълонни жойларга етказсин ҳамда унга ёшлар, талабалар, тарғиботчилар, илмий тадқиқотчилар (магистрант, докторант ва бошқа), олимлар, профессор-ўқитувчилар ва иштирок этиш истагини билдирган барча муаллифларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

7. Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси томонидан танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши назарда тутилсин:

I ўрин ғолиби олий даражали диплом ҳамда 15 (ўн беш) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

II ўрин ғолиби диплом ҳамда 10 (ўн) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

III ўрин ғолиби диплом ҳамда 5 (беш) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

қўшимча 3 (уч) та рағбатлантирувчи ўрин муаллифлари 3 (уч) миллион сўмдан пул мукофоти, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан.

8. Танлов ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ҳамда танловнинг тақдирлаш маросимини ташкил

этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ташкилотчиларнинг маблағлари ҳисобидан тенг миқдорда амалга оширилади.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари М.Қуроноф, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Р.Ҳақимов, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улугбек” жамғармаси директори Н.Ҳалилов ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси Б.Хусанов зиммаларига юклатилсин.

Республика истеъдодли ёшларини
қўллаб-қувватлаш Удугбек
жамғармаси раиси



О. Салимов

“09” июль 2021 йил
14121 - сон

Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбари



М. Ҳожиматов

“09” июль 2021 йил
1113 - сон


Олий ва ўрта махсус
таълим вазири



А. Тошқулов

“9” июль 2021 йил
45-к/к - сон

“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти раиси



Б. Хусанов

“09” июль 2021 йил
3-к-к - сон

Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-
қувватлаш “Улуғбек” жамғармасининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 14/21 -сон,

Республика Маънавият ва маърифат
марказининг 2021 йил “ 9 ” июлдаги
1/13 -сон,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 45-к/п -сон,

“Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 3-к/к -сон
қарорига 2-илова

**“Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида
мақалолар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТАРКИБИ**

1. М.Қуронов - Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, *Ташкилий қўмита раиси*
2. Н.Халилов - Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси директори, *Ташкилий қўмита раиси ўринбосари*
3. Р.Ҳакимов - Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, *Ташкилий қўмита раиси ўринбосари*
4. Б.Хусанов - “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси, *Ташкилий қўмита масъул котиби*
5. С.Усмонов - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари
6. С.Санақулов - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи мутахассиси
7. А.Шоймардонов - Республика Маънавият ва маърифат маркази Ахборот хизмати раҳбари
8. Ҳ.Фуломов - “Маърифат” тарғиботчилар жамияти бўлим бошлиғи
9. М.Аликулова - “Маърифат” тарғиботчилар жамияти масъул ходими

Республика Маънавият ва маърифат
марказининг 2021 йил “ 9 ” июлдаги
1/13-к-к -сон,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 45-к/к -сон,

Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-
қувватлаш “Улуғбек” жамғармасининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 14/21 -сон,

“Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг
2021 йил “ 9 ” июлдаги 3-к-к -сон
қарорига 2-илова



“Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида мақалолар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги бўйича “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида газета ва журналларда чоп этилган мақолалар танловини ўтказиш (кейинги ўринларда матнда – Танлов) тартибини белгилайди.

2. Танловда ёшлар, талабалар, тарғиботчилар, илмий тадқиқотчилар (магистрант, докторант ва бошқа), олимлар, профессор-ўқитувчилар ва иштирок этиш истагини билдирган барча муаллифлар иштирок этиши мумкин.

3. Танлов Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда бир марта ташкил этилади ва ўтказилади.

4. Танловга келиб тушган мақолаларни саралаш ташкилотчилар томонидан шакллантирилган Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

5. Энг яхши таҳлил этилган ҳамда белгиланган мавзунинг мазмун-моҳияти кенг очиб берилган 6 (олти)та мақола муаллифи (3 та асосий, 3 та рағбатлантирувчи) ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилади.

6. Танлов ғолибларини тақдирлаш, ташкилий чора-тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ барча масалалар Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси томонидан ҳамда бошқа ҳамкорларнинг ихтиёрий ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

7. Танловнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири бўлган тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш, қўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан дўстона,

якин кўшничлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

Марказий Осиё давлатлар ўртасидаги дўстлик, қардош миллатларнинг урф-одатларининг ўзаро ўхшашлиги, кўшни мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига бир омил бўлиб хизмат қилаётганидан келажак авлодни бохабар қилиш орқали ислохотларга дахлдорлик хиссини ошириш;

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иктисодий-ижтимоий, сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида янги ғоя ва тақлифлар шакллантириш;

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларининг кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ), Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДХК) ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам ривожлантириш моҳиятини тарғиб этиш.

III. Танловни ўтказиш муддати ва унда иштирок этиш тарғиби

8. Танлов 2021 йилнинг 12 июлидан 12 сентябрга қадар (12 сентябрь куни ҳам) бўлган оралиқда чоп этилган газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар бўйича бир босқичда ўтказилади.

9. Танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллифларнинг мақолалари Ташкилий қўмита томонидан жорий йилнинг 15 сентябрга қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган мақолалар якка тартибда ёки ҳаммуаллифлик асосида (муаллифлар сони икки нафардан ошмаслиги талаб этилади) эълон қилинган бўлиши мумкин.

10. Танловга белгиланган муддатдан сўнг топширилган мақолалар кўриб чиқилмайди.

IV. Танловга тақдим этилган мақолаларнинг баҳолаш мезонлари

11. Танлов ғолибларини аниқлашда қуйидаги мезонларга алоҳида эътибор қаратилади:

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги позицияси ҳамда якин кўшничлик муносабатларини таҳлилий ёритилганлиги;

мамалкатимизда барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик руҳида кўшни давлатлар билан эришилаётган ютуқлар, янги ҳамкорлик алоқаларининг мазмун-моҳиятини очиб берилганлиги;

кўшни давлатлар билан иктисодий-ижтимоий, сиёсий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини содда, халқчил тарзда тушунтириб бераолганлиги;

чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларни таҳлил этиб, тақлифлар ишлаб чиққанлиги.

V. Танловга амалий ишларни тақдим этиш тартиби

12. Танлов учун мақолалар, муаллиф маълумотномаси (объектив-аси) ва паспорт нусхаси қуйидаги электрон манзилга юборилади: _____

13. Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган талаблар бўйича юқори баллга эга бўлган иштирокчилар танлов ғолиблари саналади.

14. Мақоладаги маълумотларнинг илмий-назарий асосга эга эканлиги ва методологик жиҳатлари бўйича мақола муаллифи масъул ҳисобланади.

15. Танлов талабларига жавоб бермаган мақолалар Ташкилий қўмита томонидан ҳисобга олинмайди.

VI. Танлов ғолибларини тақдирлаш

16. Танлов ғолиблари Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улугбек” жамғармаси томонидан қуйидаги тартибда тақдирланади:

I ўрин ғолиби олий даражали диплом ҳамда 15 (ўн беш) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

II ўрин ғолиби диплом ҳамда 10 (ўн) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

III ўрин ғолиби диплом ҳамда 5 (беш) миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан;

қўшимча 3 (уч) та рағбатлантирувчи ўрин муаллифлари 3 (уч) миллион сўмдан пул мукофоти, диплом ва кимматбаҳо совғалар билан.

VII. Ташкилий қўмита ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

танлов тўғрисидаги Низомга заруратдан келиб чиқиб ўзгартаришлар киритади;

танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда ҳамкор ташкилотларнинг расмий веб-сайтида ва Республика оммавий ахборот воситалари орқали эълон беради;

танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этади;

танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади.

18. Ташкилий қўмита ўз фаолияти давомида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

танловга тақдим этилган материаллар мазкур Низомда кўрсатилган талабларга жавоб бермаган мақолаларни кўриб чиқмаслик;

танлов иштирокчиси мазкур Низомда кўрсатилган талабларни бузган ҳамда танловнинг ўтказилиш талаб ва шартларига мос келмаган тақдирда уни танловдан четлаштириш.

19. Ташкилий қўмита томонидан барча қарорлар фақат аъзоларнинг овоз бериш йўли билан ҳамда ҳал қилинаётган масаланинг муҳимлик даражасига қараб қабул қилинади.

20. Овоз беришда Ташкилий қўмита аъзоларининг 2/3 қисмидан кўпи иштирок этган тақдирда унинг натижалари ҳақиқий деб қабул қилинади.

21. Ташкилий қўмита танлов жараёнида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

танловнинг барча иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни яратиш;

танловнинг очик ва ошқора тарзда ўтказилишини таъминлаш;

танлов натижаларини келишилган муддатдан аввал эълон қилинишига йўл қўймаслик.

22. Танлов иштирокчисининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат

танловни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида маълумот олиш;

танловда ўз мақолалари билан иштирок этиш;

танлов ғолиби деб эълон қилинганида соврин(лар)ни ўзи ёки ишончли вакили орқали қабул қилиб олиш.

23. Республика танлови иштирокчисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

танлов тўғрисидаги мазкур Низом билан тўлиқ танишиш;

мазкур Низомда кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя этиш.

VIII. Яқуний қоидалар

24. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш учун тақдим этилган материаллар бўйича изох ёки шарҳ берилмайди.

25. Танловга тақдим этилган материаллар эгаларига қайтарилмайди.

26. Танлов билан боғлиқ жараёнлар оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ташкилотчиларнинг интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади.